

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 118-ҳадис

118 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْإِتِّفَاتِ فِي الصَّلَاةِ فَقَالَ: «هُوَ اخْتِلَاسٌ يَخْتَلِسُهُ الشَّيْطَانُ مِنْ صَلَاةِ الْعَبْدِ». رواه البخاري.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозда у ёқ-бу ёққа аланглаш ҳақида сўрадим. «**У - шайтоннинг банданинг намозидан уриб қолишидир**», дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

**Шарҳ:** Баъзи одамлар намозда турганида шайтон келиб уларни васваса қилади. Шунда намоз ўқиётган киши ўнг ва чапга қарашни бошлайди. Ёки ўгирилиб қарамасада, кўзқири билан қарайди. Бу ҳолат Аллоҳ билан бўладиган банданинг муомала одобига тўғри келмайди. Ундан ташқари, хузуъ ва хушуъга ҳам тўғри келмайди. Агар мусулмон кишида шундай бўлса, аввало Аллоҳдан ёрдам сўрайди, сўнгра намозда фикрини жам қилиб адо этади.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон киши билмаган нарсасини илм аҳлидан сўрайди.
2. Мусулмон киши намози дуруст бўлиши учун ҳаракат қилади.
3. Намоз ичида қибладан бошқа томонга қараш- ўғрилиқ кабидир. Чунки у Роббиси билан бўладиган хузуъ ва хушуъдан ўғирлайди.
4. Шайтон мусулмоннинг душманидир. Ҳар қандай майда, арзимас воситалар билан бўлсада, унинг намозига ҳалақит қилишни, бузишни истайди.
5. Имом Алий намоз ичида соқолини ўйнаётган кишини кўриб, атрофдагиларга: "Агар бу хушуъ қилганида, аъзолари ҳам хушуъ қилар эди", деб айтдилар.



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI